

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

4 СОН, 3 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 4, ВЫПУСК 3

LAWYER HERALD

VOLUME 4, ISSUE 3



TOSHKENT-2023

Мундарижа

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

1. ВАКНРАМОВА Mokhinur LEGAL ANALYSIS OF METHODS OF REALIZATION OF PROPERTY RIGHTS BY AUTHORS AND PRACTICE OF LAW ENFORCEMENT IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	8
2. TURDIEV Bobir Sobirovich KORPORATIV SEKTORNING EKOLOGIK MAS'ULIYATINI OSHIRISHNING HUQUQIY MEKANIZMLARI	14
3. ҲАМДАМОВ Шаҳзод Мақсуд ўғли РАҚАМЛАШТИРИШ ТУШУНЧАСИ, МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	23

СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4. ПАНАБЕРГЕНОВА Жамиля Таировна ПЕРСПЕКТИВЫ ПРИМЕНЕНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СУДОПРОИЗВОДСТВЕ	30
5. JUMAYEV Shohjahon Begimqul o'g'li QONUNLAR IJROSI USTIDAN PROKUROR TEKSHIRUVLARINI O'TKAZISH ASOSLARI VA ULARNI QONUN HUIJATLARIDA TARTIBGA SOLISHNING DOLZARB MASALALARI.....	36

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

6. ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович, НОРМАНОВА Клара Эшназаровна ЖИНОЯТНИ ТАШКИЛ ЭТГАН ЁКИ РАҲБАРЛИК ҚИЛГАН ШАХС ҚИЛМИШИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	43
7. КАРИМОВ Ифтихор Ибрагимович ЭКСТРЕМИЗМ ТУШУНЧАСИ, ШАКЛЛАРИ ВА МОҲИЯТИ: ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ ..	52
8. SHUKUROVA Muhayyo Mukumjanovna НОКИМИЯТ НАРАКАТСИЗЛИГИ UCHUN JAVOBGARLIK MUAMMOLARIGA DOIR ILMIY TADQIQOTLARNING ZAMONAVIY HOLATI VA RIVOJLANISHI	61

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА. ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

9. БОЗОРОВ Мақсудали Махмудович ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ ЧИҚИМЛАРНИ УНДИРИШ, ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ БИЛАН ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ.....	66
---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

10. TILLABAYEV Mirzatillo

THE UNIVERSAL DECLARATION OF HUMAN RIGHTS: HISTORICAL OVERVIEW AND IMPLEMENTATION IN UZBEKISTAN..... 74

11. ФАЙЗУЛЛАЕВА Нигорахон Равшановна

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВАЯ СИСТЕМА ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ НЕЗАКОННОГО ОБОРОТА КУЛЬТУРНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В МЕЖДУНАРОДНОМ КУЛЬТУРНОМ ПРАВЕ..... 80

12. САФАРОВА Шахло Пулатовна

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАНБАЛАРИ 89

13. ЕСЕМУРАТОВ Алишер Избасарович

ПРИЧИНЫ, ТЕНДЕНЦИИ И ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ НЕЗАКОННОЙ МИГРАЦИИ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ..... 96

14. ХАМЗАЕВ Дилавер

РОЛЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В БОРЬБЕ С ТРАНСНАЦИОНАЛЬНЫМИ ФИНАНСОВЫМИ ПРЕСТУПЛЕНИЯМИ 102

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

15. РАХМАНОВ Шухрат Наимович, ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна

МИГРАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ В УСЛОВИЯХ ПЕРЕХОДА НА ЦИФРОВУЮ ЭКОНОМИКУ 113

16. SUFIEVA Dilafruz

ABOUT QUALITATIVE CHANGES IN THE RULE-MAKING PROCESS.....120

17. САФАРОВ Темур Уктамович

АНАЛИЗ ВНЕШНЕГО И ВНУТРЕННЕГО КОНТЕКСТА ОПРЕДЕЛЯЮЩИЕ НАЛИЧИЯ УСЛОВИЙ ДЛЯ КОРРУПЦИИ В ГОСУДАРСТВЕННОМ СЕКТОРЕ125

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

САФАРОВА Шахло Пулатовна

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети катта ўқитувчиси

E-mail: ShSafarova@uwed.uz

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАНБАЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): САФАРОВА Ш.П. Инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни амалга оширишнинг шартномавий-ҳуқуқий манбалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2023) Б. 89-95.

 4 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-4-12>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада инсон ҳуқуқларига оид таълимни амалга оширишнинг шартномавий-ҳуқуқий манбалари атрофлича таҳлил қилинган. Инсон ҳуқуқлари таълими соҳасида давлатлараро ҳамкорликни таъминлашга қаратилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий мазмуни очиб берилган ва ҳуқуқий тавсиф берилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро шартномаларнинг инсон ҳуқуқлари, шу жумладан инсон ҳуқуқларига оид таълимни таъминлаш, ривожлантиришдаги роли очиб берилган ва улар асосида тегишли тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқлари, инсон ҳуқуқлари таълими, халқаро ташкилотлар, БМТ, ЮНЕСКО, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар.

САФАРОВА Шахло Пулатовна

Старший преподаватель Университета мировой экономики и дипломатии

E-mail: ShSafarova@uwed.uz

ДОГОВОРНО-ПРАВОВЫЕ ИСТОЧНИКИ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ОБРАЗОВАНИЯ В ОБЛАСТИ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА

АННОТАЦИЯ

В данной статье подробно анализируются договорные и правовые источники образования в области прав человека. Раскрыто основное содержание международно-правовых документов, направленных на обеспечение межгосударственного сотрудничества в сфере образования в области прав человека, и дана правовая характеристика. Раскрывается роль основных международных договоров по правам человека в обеспечении и развитии прав человека, в том числе правозащитного образования, и на их основе даются соответствующие рекомендации.

Ключевые слова: права человека, образование в области прав человека, международные организации, ООН, ЮНЕСКО, Всеобщая декларация прав человека, международные соглашения по правам человека.

CONTRACTUAL-LEGAL SOURCES OF THE IMPLEMENTATION OF HUMAN RIGHTS EDUCATION

ANNOTATION

In this article the contractual and legal sources of human rights education are analyzed in detail. The main content of international legal documents aimed at ensuring interstate cooperation in the field of human rights education is revealed and a legal description is given. The role of the main international treaties on human rights in the provision and development of human rights, including human rights education, is revealed, and relevant recommendations are made based on them.

Keywords: human rights, human rights education, international organizations, UN, UNESCO, Universal Declaration of Human Rights, international agreements on human rights.

Жаҳон ҳамжамиятида инсон ҳуқуқларини амалга оширишда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг фундаментал аҳамиятга молик масала эканлиги борасида ҳамфикрлик кучайиб бормоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тайёргарлик масалалари глобал кун тартибига чиққандан буён ўтган ўттиз йиллик муддат давомида БМТ, ЮНЕСКО каби халқаро ташкилотлар томонидан турли дастурлар ва ташаббуслар амалга оширилди, давлатлар томонидан миллий ҳаракат дастурлари ва режалар қабул қилинди, таълим муассасаларида инсон ҳуқуқлари бўйича таълим дастурлари жорий қилинди. Бу эса, ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари таълимини амалга ошириш бўйича халқаро ва миллий механизмлар фаолиятини ўрганиш, уларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини кучайтиришга қаратилган илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилади.

БМТнинг Халқаро ҳуқуқ комиссиясининг собиқ аъзоси И.И.Лукашукнинг таъбири билан айтганда, “инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми қабул қилингандан кейин шакллана бошланган янги тармоқ ҳисобланади. Вужудга келганига кўп вақт бўлмаганига қарамай, мазкур янги тармоқ ҳозирги кунда халқаро ҳуқуқ тизимида марказий ўринни эгаллади. Ўзининг халқаро хусусиятидан четга чиқмай, халқаро ҳуқуқ борган сари инсонга йўналтирилмоқда ва бунда ҳеч қандай қарама қаршилиқ йўқдир. Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, демократия – тинчликнинг муҳим кафолатидир. Халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш умумбашарий ҳуқуқнинг асосидир” [1, Б.1].

Қайд этиш лозимки, халқаро майдонда инсон ҳуқуқлари XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ривожлана бошлади ва кейинчалик бошқа соҳаларга қараганда тезлик билан ривожланди. Фикримизча, бундай ривожланиш, авваламбор, БМТ Низоми, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилиниши билан инсон ҳуқуқлари халқаро ҳамжамиятнинг долзарб аҳамият касб этувчи масаласига айланиши давлатларнинг конституцияларида инсон ҳуқуқларининг конституциявий мақом олиши билан боғлиқдир. 1975 йили Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши Яқунловчи актининг қабул қилиниши билан эса, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш масаласи халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан бирига айланганди.

1. Халқаро ҳамжамият муаммонинг муҳимлигини нафақат қатор умумэтироф этилган халқаро конвенциялар, пактлар ва келишувларда қайд этиш билан, балки инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро механизмини яратиш орқали ҳам тушунди. Натижада, ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида умумэтироф этилган инсон ҳуқуқларига тааллуқли принцип ва нормаларнинг мажмуи шаклланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича

халқаро шартномалар давлатларга индивидларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича мажбуриятлар юкламоқда. Ҳар бир давлатнинг қонунчилиги ҳуқуқларнинг ҳажмини, уларнинг мазмуни ва амалга ошириш кафолатларини белгилаб бермоқда [2, Б.16-17].

Академик А.Х.Саидовнинг фикрича, “умумэтироф этилган инсон ҳуқуқлари” атамаси “халқаро стардартлар” атамасига нисбатан давлатлараро даражада ишлаб чиқилиши, давлатлараро ҳамкорликни тартибга солишга, биринчи ўринда, ўз юрисдикцияси доирасида инсон ҳуқуқларига бўлган ҳурматни таъминлаш ҳамда ўз халқи ва халқаро ҳамжамият олдида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш учун жавобгарликни ўз зиммасига олган давлатларга қаратилганлиги билан халқаро ҳужжатларнинг ролини янада аниқроқ акс эттиради [3, Б. 80].

Инсон ҳуқуқлари ҳуқуқ тармоғининг XX аср давомида ривожланиши ушбу тармоқ доирасида алоҳида институтларнинг шаклланишига олиб келди. Хусусан, инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқи доирасида инсон ҳуқуқлари бўйича таълим институтининг шаклланишига асос бўлди. Айниқса, 1993 йили Вена шаҳрида бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси ва унинг натижалари бўйича қабул қилинган Вена Ҳаракатлар режаси, БМТ томонидан 1995-2004 йилларни инсон ҳуқуқлари таълимининг ўн йиллиги, 2008 йили Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигини кенг миқёсда нишонланиши, БМТ томонидан 2009 йил – Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим халқаро йили деб эълон қилиши ва бу соҳаларда халқаро ва миллий миқёсларда олиб борилган чора-тадбирлар бунинг яққол далили ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари таълими соҳасида давлатлараро ҳамкорликни таъминлашга қаратилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормаларини яхшироқ тушуниш ва улардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришда бундай халқаро шартномаларнинг ҳуқуқий табиатини тушуниш ва уларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Инсон ҳуқуқлари таълимига тааллуқли қоидалар кўплаб халқаро ҳужжатлар орасида 1948 йил 10 декбарда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ва унинг тарихий аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтиш лозимдир. Бу ҳужжатнинг тарихий аҳамиятини: Декларация ҳар қандай демократик жамиятда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни ҳурматлаш ва уларга риоя этиш даражасини белгилашда мезон ҳисобланишида; уни инсон ҳуқуқларининг ҳозирги замон концепцияси ривожланишига асос солганлигида; унинг асосий принциплари ва қоидалари жаҳондаги кўпгина давлатларнинг конституцияларида ўз аксини топганлиги ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатлари ривожига сезиларли таъсир ўтказганлигида; у ўзича юридик кучга эга бўлмай, бу ҳужжат аслида кенг эътироф этилган ахлоқий нормалар тўплами эканлиги, давлатларнинг ички қонун ҳужжатларига киритилганлигида кўриш мумкин [4, Б.116].

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг Муқаддимасида “... аъзо бўлган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ялпи ҳурмат қилиш ва унга риоя қилишга кўмаклашиш мажбуриятини олганлигини эътиборга олиб;

мазкур ҳуқуқлар ва эркинликларнинг характерини ялпи тушуниш ушбу мажбуриятларининг тўлиқ адо этилиши учун катта аҳамиятга эга бўлишини эътиборга олиб;

Бош Ассамблея мазкур Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қилар экан...” [5], деб кўрсатиб ўтилди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 26-моддаси айнан таълим олиш ҳуқуқига бағишланган. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим эса ҳар бир шахс эга бўлган таълим олишнинг мақсади ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим билвосита таълим олиш ҳуқуқининг бир қисмини ташкил қилади. Аммо таълим олиш ҳуқуқининг бир қисми сифатида тушуниладиган инсон ҳуқуқлари таълими

чекланган қабул қилувчилар гуруҳига эга. Таълим олиш ҳуқуқи каби инсон ҳуқуқлари таълими учун қўйилган юридик талаб ҳам формал жиҳатдан чекланган, айниқса мажбурий мактаб даврига нисбатан олганда.

Мазкур мақсаддан келиб чиқиб, Декларациянинг 26-моддаси 2-бандида “Таълим инсон шахсининг тўлиқ ривожланишига ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига ҳурматли оширишга йўналтирилган бўлиши лозим. Таълим барча халқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, сабр-тоқатлилик ва дўстликка ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш бўйича фаолиятига кўмаклашиши лозим” [5], деб белгилаб қўйилди.

Бундай чекланганликка қарамасдан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига хос бўлган хусусиятни ҳам инобатга олиш лозим. Мазкур ҳужжат юридик жиҳатдан мажбурий бўлмай, давлатлар томонидан қабул қилинган умумий дастур ҳисоблансада, у кейинчалик аста-секинлик билан, босқичма босқич халқаро-ҳуқуқий шартномаларга трансформация қилинди. Дарҳақиқат, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида кўзда тутилган кафолатлар кўплаб универсал ва минтақавий ҳужжатлар мазмунига киритилди, хусусан, минтақавий даражада 1950 йилги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги Европа конвенцияси (Биринчи қўшимча протокол, 2-моддаси), универсал ҳужжатлар ҳисобланган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (13-моддаси), Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенцияси (28-29 моддалар), Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (10-модда), Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги конвенция (7-модда)да таълим олиш ҳуқуқига оид нормалар мустаҳкамланди.

Мазкур ҳуқуққа оид қоидаларнинг конвенцияларга киритилиши бажарилиши лозим бўлган ҳуқуқий мажбуриятни юзага келтирди. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари таълимига бўлган ҳуқуқ минтақавий даражада 1981 йилги Инсон ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка хартиясида ҳам кўзда тутилди.

1965 йилги Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция (5-моддаси) ва 1979 йилги Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (14-моддаси) каби *ҳужжатлар* бутун таълим тизими ва барча ўқитиш контентларини ўз ичига олган таълимни янада кенгроқ тушунишга бўлган ўсиш тенденциясини намоён қилади.

Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенцияни (10-моддаси) қийноқларни тақиқлаш борасида таълим жараёнларига алоҳида урғу берилганлигини таъкидлаш лозим.

Шубҳасиз, юқорида таъкидланган ҳужжатлар турли ҳуқуқий мақомга эга ҳужжатлар ҳисобланади. Агар халқаро шартномалар қоидалари уларни ратификация қилган ёки қўшилган давлатлар учун қатъий юридик мажбурий кучга эга бўлса, декларация сингари бошқа ҳужжатлар давлатлар учун бундай мажбурий хусусиятга эга бўлмасада, шу билан бирга улар давлатлар томонидан розилик билдирилган муайян мажбуриятларни шакллантиради ва шунга кўра шубҳасиз ахлоқий кучга эга бўлади. Бундан ташқари, улар бошланғич, таянч нуқтаси сифатида давлатлар учун уларнинг хулқ-атворини белгилашда концептуал ва амалий қўлланма вазифасини ҳам бажаради. Бундай ҳужжатларнинг кўп сонли давлатлар томонидан тан олишини ва қабул қилиниши уларнинг аҳамияти нуқтаи назаридан эътиборга молик эканлигини намоён қилади, чунки улар халқаро ҳамжамият томонидан умум эътироф этилган принципларни ўзида акс эттирган декларатив хусусиятга эга ҳужжатлар сифатида кўрилади.

БМТ Низоми ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар, халқаро норма ижодкорлиги учун ҳам асос бўлиб қолди. Кейинги қабул қилинган барча ҳужжатлар мазкур ҳужжатларда белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид нормаларни янада такомиллаштиришга, уларни ҳаётда қўллашга ҳамда самарадорлигини оширишга қаратилгандир.

Мазкур йўналишда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишни рағбатлаштириш, хусусан инсон ҳуқуқлари таълими ёрдамида рағбатлантиришнинг муҳимлиги кўп сонли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топди. Улар орасида, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича асосий ҳужжатлари муҳим ўрин тутати: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил); Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил); Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция (1965 йил); Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция (1979 йил); Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция (1984 йил); Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (1989 йил); Меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция; Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (2006 йил); Барча шахсларни зўрлик остида ғойиб бўлишдан ҳимоя қилиш тўғрисида халқаро конвенция (2006).

Маълумки, 2016 йилда халқаро жамоатчилик БМТ томонидан Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳамда Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактлар қабул қилинганининг 50 йиллигини кенг нишонлади. Зеро, мазкур ҳужжатлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича универсал тизимларнинг концептуал асоси ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва иккита халқаро пакт давлатлар ҳамда дунё халқлари ўртасидаги умумий манфаатлар ва қадриятларга асосланган келишув самарасидир [6].

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этишда БМТ аъзолари саналган жаҳондаги аксарият мамлакатлар фаол иштирок этаётгани бу борадаги муваффақиятни таъминламоқда. Декларация ва пактлардаги қоидалар кўплаб давлатлар конституциялари ва қонунларида ҳам белгилаб қўйилгани бунга бир мисолдир. Ана шу ҳужжатларда ўз ифодасини топган ҳуқуқлар ва эркинликлар халқаро жамоатчилик томонидан мукамал, пишиқ-пухта, бир-бирига чамбарчас боғланган, деб тан олинган. Шунинг учун мазкур ҳуқуқ ва эркинликлар давлат, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, фуқаролик жамиятлари томонидан қўллаб-қувватланадиган ҳамда муҳофаза қилинадиган асосий тамойилларга айланди [7].

Албатта, мазкур ҳужжатлар БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича асосий ҳужжатлари ҳисоблансада, аммо уларнинг ҳар бирида инсон ҳуқуқлари таълимига *алоҳида норма ажратилмаган*. Аммо, ушбу ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларни, уларга нисбатан инсонларда ҳурмат ҳиссини шакллантирмай амалга ошириш мумкин эмас. Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, бу инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг энг муҳим ва асосий шартидир. Шунинг учун ҳам, мазкур ҳужжатларни амалга ошириш масаласида, мазкур ҳужжатларнинг нормаларини мамлакатдаги таълим тизимида қанчалик киритилганлиги муҳим масала, давлатлар учун мажбурият сифатида эътироф этилади.

Мисол учун, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 2-моддасининг 2-бандида шундай кўрсатиб ўтилган “...ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз конституцияси тартибида мазкур Пакт қоидаларига мувофиқ ушбу Пактда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур бўлиши мумкин бўлган шундай қонунчилик ёки бошқа тадбирларни қабул қилиш учун керакли чораларни кўриш мажбуриятини олади” [4, Б.16]. Мазкур Пактнинг мониторинг механизми ҳисобланмиш БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитаси 1990 йили ўзининг 5-сессиясида “керакли чоралар”га қандай чоралар киришини, шу жумладан, улар қаторига таълимга оид чоралар ҳам киришини тушунтириб ўтди [8].

Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ҳам инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга оид норма мавжуд. Жумладан, унинг 2-моддасида шундай дейилади: “Ушбу пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз ҳудудиги ва ўз юрисдикциясида бўлган шахсларнинг мазкур Пактда эътироф этилган ҳуқуқларини ҳеч бир айирмачиликсиз, ... ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбуриятини олади” [4, Б.116].

Мазкур норма юқорида кўриб чиқилган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактнинг 2-моддасидаги норма билан мазмунан бир хил. Демак, бу ерда

асосий вазифа сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бўлган ҳурмат қилишни рағбатлантиришда қонунчилик, маъмурий, молиявий воситалар билан бир қаторда, таълим орқали таъминлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Таълимни ҳар бир боланинг ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 29-моддасига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, яъни унга кўра:

“Иштирокчи-давлатлар болага таълим бериш қуйидаги йўналишларда олиб борилиши лозимлигига розилик билдирадilar:

боланинг шахси, истеъдоди, ақлий ва жисмоний қобилиятлари энг тўла ҳажмда ривожланиши;

инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида эълон қилинган тамойилларга ҳурматни тарбиялаш;

боланинг ота-онага, унинг маданий ўзига хослиги, тили ва қадриятларига, бола яшаётган мамлакатнинг, у дунёга келган мамлакатнинг миллий қадриятларига, ўзиникидан фарқ қиладиган маданий тараққиёт даражасига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш;

болани эркин жамиятда, тинчлик, сабр-тоқатли бўлиш, эркаклар ва аёлларнинг тенглиги ҳамда барча халқлар, этник, миллий ва диний гуруҳлар, шунингдек, туб аҳоли орасидан бўлган шахслар ўртасида дўстлик руҳида тайёрлаш;

атроф-табиатга ҳурматни тарбиялаш...”

Умуман инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасига оид универсал халқаро ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида айтиш мумкинки, мазкур йўналишда халқаро норма ижодкорлиги жараёнида БМТнинг асосий ҳужжатлари муҳим аҳамият касб этади. Унинг ҳужжатларида инсоннинг турли ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда турли қатламларга оид шахсларнинг алоҳида ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамалб қўйилиши билан бир қаторда, уларни кенг тарғиб қилиш, таълим тизимига киритиш орқали инсонларнинг бундай ҳуқуқларига оид билимлари ошириши кўзда тутилса, иккинчидан, инсон ҳуқуқлари таълимига оид бошқа ҳужжатларида эса, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тайёргарлик, яъни бу соҳада мутахассисларни тайёрлаш ва улар орқали жамиятда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ва миллий нормаларни ўқитиш тизимини кучайтириш инсон ҳуқуқлар ва эркинликларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилишнинг муҳим элементи сифатида кўрилади.

Бошқа бир универсал ташкилот ҳисобланмиш ЮНЕСКО ташкилоти ҳужжатларида эса, таълим олишга бўлган ҳуқуқни таъминлаш орқали инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасини ривожлантиришга муҳим вазифа сифатида қаратилади. Мазкур йўналишда, унинг қатор ҳужжатлари қабул қилинган, жумладан, Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция (Париж, 14.12.1960 й.), 1989 йилда қабул қилинган Техник ва касбий-хунар таълими тўғрисидаги конвенция, Қуролли можаролар чиққан ҳолда маданий бойликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция (Париж, 14.05.1954 й.), Ирқ ва ирқий хурофотлар тўғрисидаги декларация (Париж, 27.11.1978 й.), Бағрикенглик тамойиллари декларацияси (16.11.1995 й.) ва бошқа қатор ҳужжатлар [8, Б.298]. ЮНЕСКОнинг 1960 йилги Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисидаги конвенциясида таълим олиш ҳуқуқининг асосий компонентлари батафсил баён қилинган бўлса, 1974 йилги Халқаро тушуниш, ҳамкорлик ва тинчлик руҳида тарбиялаш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш тўғрисидаги тавсиянома инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича таълим соҳасидаги миллий ютуқлар ҳақида мунтазам равишда маълумотлар тўплашни кўзда тутди.

Ва ниҳоят, энг муҳим, мазкур ҳужжатларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида ҳам универсаллик тамойили шаклланимоқда.

Халқаро-ҳуқуқий адабиётларда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принципининг ривожлантирувчи ва аниқлаштирувчи халқаро-ҳуқуқий қоидалар одатда, инсон

ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар деб юритилади. Мазкур халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлар инсонга муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар берибгина қолмай, балки бу ҳуқуқларни берган давлатнинг ўзи ҳам бундай ҳуқуқ ва эркинликларни бузмаслик мажбуриятини олганлигини англатади [9, Б.111].

Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимга оид халқаро стандартлар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларнинг бир қисми ҳисобланади ва у инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқни ўрганиш предмети доирасида ўрганилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳозирги пайтга келиб, инсон ҳуқуқлари таълимига оид халқаро стандартларни таснифлаш катта миқдордаги халқаро нормаларни тизимлаштириш асосида, уларнинг мазмун-моҳиятини ҳамда ҳуқуқий табиатини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Шу сабабли, инсон ҳуқуқлари таълими соҳасидаги халқаро шартномаларни уларда иштирок этувчи давлатлар учун очиқ ва ёпиқлиги, уларнинг географик доирасида, юридик кучи ҳамда тартибга солиш предмети нуқтаи назаридан таснифлаш ҳам мақсадга мувофиқ.

Инсон ҳуқуқларига оид таълим инсон ҳуқуқлари соҳасидаги деярли барча халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда намоён бўлган. Шу билан биргаликда, ушбу масалага оид махсус ҳужжатлар ҳам мавжуд. Бироқ, универсал ҳужжатларга нисбатан минтақавий ҳужжатларнинг салмоғи анча баланд. Шу сабабли ҳам, универсал миқёсда ҳаракатда бўлган декларация ва резолюциялар негизида инсон ҳуқуқлари таълими бўйича халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Лукашук И.И. Международное право. Общая часть. Учебник. 2-е изд. перераб. и доп. М.: БЕК, 2000.

2. Образование в области пра человека: национальный и зарубежный опыт // Отв. ред А.Х.Саидов. –Ташкент: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, SMI-ASIA, 2011.

3. Саидов А. Международное право прав человека. Учебное пособие // Отв.ред. акад. Б.Н. Топорнин. – М., 2002.

4. Саидов А. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006.

5. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. // URL: <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.

6. Саидова А. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактлар таълимига содиқлигини намоён этмоқда // URL: <https://kun.uz/34238186>.

7. General Comment No. 3: The nature of States parties' obligations (article 2, para. 1) (1990) // <https://www.ohchr.org/en/resources/educators/human-rights-education-training/general-comment-no-3-nature-states-parties-obligations-article-2-para-1-1990>

8. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари // Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири Л.Саидова. – Т.: Адолат, 2004.

9. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси. Юридик ОўЮлари учун дарслик. – Т.: Академия, 2011.